Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensiyalari” mavzusidagi respublika il...

ular mavjud ishlab chiqarish jarayonlaridagi va mahsulotlardagi xususiyatlarning yaxshilanishi bilan bog‘liq. Natijalarining yo‘nalganligi bo‘yicha innovatsiyalar ilmiy instrumentariy sifatidagi innovatsiyalarga, innovatsiya - jarayonlarga va innovatsiya - mahsulotlarga bo‘linadi.

Innovatsiyalarning iqtisodiy tizim rivojlanishidagi roliga muvofiq ravishda innovatsiyalarning boshqa klassifikatsiyalari ham mavjud. Innovatsiyalarning yangiligi darajasi bo‘yicha klassifikatsiyasi - innovatsiyalar to‘plamining muhimligi darajasiga baho berish maqsadida yangilik darajasi bir xil guruhlarga taqsimlanishidir. Innovatsiyaning yangiligi tushunchasi uning mutloq yangi ekanligi hamda mahsulotga yoki butun texnologik jarayonga taalluqli bo‘lishi mumkin yoki faqat uning mavjud mahsulot yoki jarayonning vazifalari tavsiflariga o‘zgartiruvchi ba’zi elementlariga taalluqli bo‘lishi mumkin. SHu nuqtai nazardan butunlay yangi mahsulotlar beruvchi bazis innovatsiyalarni mavjud mahsulotlarni qanchalik takomillashtiruvga daxldor yaxshilovchi innovatsiyalarni, shuningdek ishlab chiqarishning yangi metodlarini joriy etish yoki mavjudlarini takomillashtirish bilan bog‘liq innovatsiyalarni ajratib ko‘rsatadilar.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. -T.: O‘zbekiston, 2021. -40 b.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to‘g‘risida”gi PF -5264- son Farmoni. 29.11.2017 y.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi –T.: O‘zbekiston, 22.12.2017 y.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-4947-sonli Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
5. Fatxuddinov R.A. «Innovatsionny menedjment: klassifikatsiya, struktury i otlichitelnye cherty innovatsionnyx organizatsiy; Ekonomicheskie zony, zakony organizatsii, nauchnye podxody i prinsipy i dr.»: Uchebnik dlya vuzov. Izd.5-ye, ispr., dop. «Piter», 2007
6 Sobirova Z.Z. “Innovatsion menejment” o‘quv - uslubiy majmua. –T.: TDIU. 2010, - 198 b.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АГРОБИЗНЕСНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сотволдиев Эгамберди Мўминжон ўғли
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.
Агробизнес ва маркетинг кафедраси ассистенти,
телефон +998-91-150-27-17.
egamberdi.sm1997@gmail.com

Published: 17.05.2024

Cite this article: Сотволдиев Эгамберди Мўминжон ўғли (2024). Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида агробизнесни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Emro Science and Education, 1(3). https://journal.emro.uz/public/maqola/111

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Аннотация: *Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида агробизнесни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган бўлиб, агробизнес соҳасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва унинг маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сотиш, сақлаш, тақсимлаш билан боғлиқ жараёнлардаги ижтимоий-иқтисодий роли ва аҳамияти кўрсатиб берилган.*

Таянч сўзлар: *агробизнес, рақамли иқтисодиёт, бошқариш, интегратsія, глобалашуви, озиқ-овқат хавфсизлигини, агросаноат мажмуаси, агросаноат интегратsіяси, кластер модели, инфраструктура, эркин иқтисодий зона, маҳсулотлар экспорт географияси, валюта тушуми, хорижий ивестициялар, инноватsіялар трансфери ва б.қ.*

Жаҳон иқтисодиётида интегратsія жараёнларини тобора глобалашуви ва чуқурлашуви аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва унинг озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш масалаларининг ички кучли ва заиф томонларини ҳам, ташқи имкониятлари ва ҳавф-хатарларини ҳам ҳартомонлама чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Айнан ана шу масалаларни ҳал этилишида агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалик соҳаларидаги тадбиркорлик фаолияти агробизнес дейилади. Агробизнес тушунчасига бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасига кирмайдиган, бироқ у билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий таъмирлаш хизмат кўрсатиш, уни маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Агробизнес агросаноат интегратsіяси натижасида вужудга келган агросаноат мажмуасининг барча бўғинларини қамраб олади.

Агробизнес фаолиятининг мақсади – истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Агробизнес – бу бозор иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва унинг маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сотиш, сақлаш ва тақсимлаш билан боғлиқ соҳа ҳисобланади. Бу атама илк бор 1957 йилда америкалик тадқиқотчилар Ж.Х.Девис, Г.А.Голдберг ва бошқалар томонидан қўлланган. Унинг таркиби, мақсади жиҳатидан асосан агросаноат мажмуига тўғри келади .

Агробизнес – қишлоқ хўжалигини зарур ресурслар билан таъминлаш, озиқ- овқат ва техник хом ашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тақсимлаш бўйича изчил тадбирларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Бошқача айтганда, агробизнес нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, балки уни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги учун техника ва ўғитларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олган фаолият шаклларидан

биридир. Агробизнес ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тизимининг муҳим элементидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг самарадорлиги аҳолининг турмуш даражаси билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун агробизнес соҳасининг самарадорлигини юқори даражада ошириш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Агробизнес агросаноат мажмуи доирасида фаолият юритади, бу озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, аҳолини ушбу маҳсулотлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш соҳаси учун машина ва механизмларни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қонуний равишда даромад топишга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ҳар қандай фаолият тури агробизнес деб юритилади. Шунга мувофиқ агробизнес ўз ичига:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорликни;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ тадбиркорликни:
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва воситачилик билан шуғуллананувчи фирмалар тадбиркорлигини;
- аграр соҳага хизмат қилувчи ихтисослашган банклар, суғурта ва молия компаниялари фаолиятини олади.

Шунинг учун агробизнес аввал фақатгина қишлоқ хўжалиги тармоғинини қамраб олган бўлса, ҳозирда эса агросаноат мажмуини тўла камраган. Агросаноат мажмуи - қишлоқ хўжалиги билан саноат интегратsiясининг ҳосиласи ҳисобланиб, ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан боғлиқ тижорат операtsияларини амалга оширади.

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қоплаш ва экспорт ҳажмини ошириш учун мева-сабзавот етиштиришни йилига 8-10 фоизга кўпайтириш ва қўшимча 1 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш зарур. Шу боис 2020 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган 77 минг гектар майдонга озиқ-овқат экинлари, эртаги маҳсулот етиштириш учун 200 минг гектарда тўқсонбости усулида сабзавотлар экилишини таъминлаш чоралари кўрилган эди .

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №135 қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик махсулотларини ички бозорларга тизимли етказиб бериш ҳамда уларнинг нархлари ошиб кетмаслигини таъминлаш назарда тутилган.

Ўзбекистоннинг табиати, иқлим шароитлари, мавжуд ишчи кучи ресурсларидан ва географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг юқори сифатли мева ва сабзавотлар етиштиришда йирик имкониятлари деярли ҳеч кимда шубҳа туғдирмаса керак.

Сўнгги йилларда мамлакатда қишлоқ хўжалиги соҳаси фаол ислоҳ қилинмоқда. Мазкур тармоқда бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, kooperatsiяни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологияларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шунга қарамасдан, жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бир пайтда, республиканинг мазкур бозордаги улуши бир фоизга ҳам етмаяпти. Ушбу маҳсулотларинг мамлакат экспорти таркибидаги улуши эса атиги 7 фоизни ташкил қилади .

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш (етиштириш) ва уларнинг ташқи бозорларга экспортини ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга.

Аммо шуни унутмаслик керакки, салоҳият ва уни амалга ошириш икки хил тушунча.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун кўп ишлар қилинмоқда, аммо маҳсулот етиштириш ҳажмининг ўсиши автоматик равишда экспорт ҳажмини кўпайишига олиб келмайди. Сабаби, экспортда аввалambор, потенциал истеъмолчига қайси маҳсулот кераклигини ва унинг эҳтиёжини ўрганиш керак. Шунингдек, ҳақиқий истеъмолчи ким ва у қайси мамлакатларда яшайди каби саволларга ҳам жавоб бўлиши керак. Бундан ташқари, мевалар экспорти ҳақида гап кетганда, боғ барпо этишдан бошлаб токи у ҳосилга киргунгача кетган вақтда (ушбу йиллар давомида) истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва талаби қандай ўзгаришини олдиндан кўра билиш лозим. Бунда қишлоқ хўжалиги махсулотлари истеъмолчиларини ўрганиш ва бозорни ўрганиш учун маркетинг тадқиқотларини ўрганиш талаб этилади.

Агар Ўзбекистон юқори сифатли ва хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширса, бундай маҳсулотларни дунёнинг исталган мамлакатига экспорт қилиш имкониятига эга, ҳаттоки маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича юқори талабга эга бўлган давлатларга ҳам.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш тизмимини такомиллаштириш, жумладан қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш ва сотиш жараёнлари тизимли равишда ўрганилса, унинг натижасида қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, истеъмолчиларга сифатли махсулотлар етказиб беришига ҳамда қишлоқ хўжалиги махсулотларининг ички бозордаги нархларини барқарор ошиб кетмаслигига таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-4863-сон 15.10.2020 й

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №135 қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши. 05.11.2019. www.xabar.uz.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
6. Мирзиёев.Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 103 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
8. Муртазаев О., Ахроров Ф., Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик, -Т.: “ILM ZIYO”, 2017 й.

XITOY MAHSULOTLARI NEGA ARZON? - UNGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Abduqayumov Jaloliddin Jo‘rabek og‘li
TDIU Andijon fakulteti
Iqtisodiyot talim yo‘nalishi 60/23 guruh talabasi
Kurbonov Jasurbek Pozilovich
TDIU Andijon fakulteti
“Mutaxassislik fanlari” kafedrasi mudiri, PhD

Annotatsiya: Ushbu maqolada Bugungi kunda iqtisodiyoti shiddat bilan o‘sib borayotgan Xitoy iqtisodiyoti va jahon bozorini qisqa vaqt ichida egallashga ulgurgan savdo siyosati va kompaniyalarining muvaffaqiyat omillari, tajribalari va uni O‘zbekiston sharoitida qo‘llash imkoniyatlari tahlili bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: biznes, savdo, investitsiya, tovarlar va xizmatlar, ishlab chiqarish, eksport, elektron savdo.

Xitoy global dunyoda bir necha mahsulot turlarini ishlab chiqarish bo‘yicha birinchi o‘rinlarda turadi. Uning iqtisodiy salohiyatining asosiy omillari ichida to‘rt ta bosh ishlab chiqarish tarmoqlari mavjud: elektronika va telekommunikatsiyalar, kichik va o‘rta bizneslar uchun ishlab chiqarish, texnologiyalar va transport